

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Туман ХТБ мудир

А.Исмаилов

\_\_\_\_\_ 2022 йил



## БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Мангит шаҳри 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни :

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар кесими

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Амударё тумани Халқ таълим бўлими тасарруфидаги 27 сон умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати 488 369 600 (тўрт юз саксон саккиз миллион уч юз олтмиш тўққиз минг олти юз) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди

1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома газначилик бўлимидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

1.5 Ишларни бажариш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади .

### 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Амударё тумани ХТБ (бундан кейин-"Буюрмачи" деб аталади )-танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюрмачи" манзили Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Манғит шаҳри Қипчоқ кўчаси рақамсиз уй. Амударё ХТБ

2.2 Танлов "Буюрмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

3.3 Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муамола ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот excel форматлар кўринишида )

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди: Қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёқ банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа

шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ва ташкилот ташкил қилиниб иш стажи 1-йилдан кам бўлмаслиги зарур.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми; Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа шунга боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши лозим;
- Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон ҳолда тақдим қилиниши лозим.

4.3 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар.

Техник ҳужжатлар рўйхати (солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома, банкдан айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслар мавжудлиги ҳақида, мазкур объектни бориб кўриб танишганлиги тўғрисида маълумотнома (ХТБ маъмурияти томонидан тасдиқлаган ҳужжатлар рўйхати илова қилинади ортиқча ҳужжатлар жойлаштириш шарт эмас).

4.4 Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этиладиган ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар ҳисобланади;

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календарь кунга узайтирилиши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтириш фақат харид комиссиясининг йиғилиш қарори билан амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### 5. ТОМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва қарор қабул қилишга жавобгар.

6.2 Танлов иштирокчиси тақдим этиладиган барча ҳужжатларининг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар. Ғолиб иштирокчи деб топилган ташкилот қонунчиликда белгиланган тартибда "буюртмачи" билан шартнома тузиш жавобгарлиги юклатилган.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товар (иш, хизмат) ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тугрисида ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан танлов иштирокчисига тегишли эътиборан уч иш куни ичида тушунтиришларни тақдим этиши шарт.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Амударё тумани ХТБ мудирининг  
А.Исмаилов  
2022 йил

## Амударё тумани Халқ таълим бўлими ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Амударё ХТБ га қарашли 27-сон мактаб
2	Буютмачи	Амударё Халқ таълими бўлими
3	Буютма учун асос	Амударё ХТБга қарашли 27-мактабининг жорий таъмирлаш
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Амударё тумани
5	Қатнашувчи учун талаблар	Жорий таъмирлаш ишларининг амалга оширувчи ташкилот иш тажрибасига эга бўлган ҳамда ишнинг сифатли бажариши имконияти мавжуд бўлиши лозим. Иш бажарувчиси смета харажатларининг ўз зиммасига олади. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили инобатга олинади. Бажарувчи томонидан назорат ўлчовидан ўтказиш ишлари ташкил қилинади.
6	Тижорат таклифларининг тақдим этиш шартлари	Xarid.uzex.uz порталидан электрон жўнатилади ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳам жўнатилиши керак.
7	Бажарилган ишларининг ҳисоб-китоби	Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома туман газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг олдиндан шартнома жами суммасининг 30% миқдори тўлаб берилади. Қолган 70% маблағ тегишли тартибда топширилган иш ҳажмига қараб ўтказиб берилади. Бажарилган ишлар учун форма 2, форма 3 ҳамда назорат ўлчов далолатномасига асосан тўловлар амалга оширилади.
8	Ишнинг бажариш муддати	Шартномада кўрсатилган муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш хизматларининг бажариш даврида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Амударё тумани ХТБ Марказлашган бухгалтерия хизмати томонидан харажатлар сметаси бўйича